

МАТЕМАТИКА

1. Қуйидаги нуқталарнинг қайси бири $f(x) = -2x + 7$ функциянинг графигига тегишли?
 А) (3; 1) В) (1; -3) С) (1; 2) D) (2; 4)
 Е) (2; 1)

2. $(a - 3b)^2 + (3a + b)^2$ ни соддалаштиринг.
 А) $2b^2 - 8ab$ В) $2b^2 - 4ab$ С) $8b^2 - 8ab$
 D) $10a^2 + 10b^2$ Е) $8b^2$

3. $(x; y)$ сонлар жуфти $\begin{cases} 2x - 3y = 5 \\ 3x + y = 2 \end{cases}$ системанинг ечими бўлса, $x + y$ ни топинг.
 А) 4 В) 0 С) 3 D) -1 Е) -3

4. Ҳосилалар учун формулаларнинг қайсилари тўғри?

- 1) $(x^p)' = px^{p-1}$;
 2) $(\log_a x)' = \frac{1}{x \ln a}$;
 3) $(\cos x)' = \sin x$;
 4) $(\operatorname{ctg} x)' = -\frac{1}{\sin^2 x}$;
 5) $(e^{kx+b})' = \frac{1}{k} e^{kx+b}$.

- А) 1; 3; 4 В) 1; 2; 4 С) 1; 2; 3
 D) 1; 2; 5 Е) 2; 3; 4

5. Бошланғич функцияни топиш учун қуйида келтирилган формулалардан қайсилари тўғри?

- 1) $f(x) = x^p, p \neq -1$ $F(x) = px^{p+1} + C$
 2) $f(x) = \frac{1}{x}, x > 0$ $F(x) = \ln x + C$
 3) $f(x) = e^{kx+b}, k \neq 0$ $F(x) = ke^{kx+b} + C$
 4) $f(x) = \sin(kx + b), k \neq 0$ $F(x) = -\frac{1}{k} \cos(kx + b) + C$
 5) $f(x) = e^{\frac{x}{2}} + \sin 3x$ $F(x) = 2e^{\frac{x}{2}} - \frac{1}{3} \cos 3x + C$

- А) 3; 4; 5 В) 2; 3; 4 С) 1; 2; 4
 D) 1; 2; 5 Е) 2; 4; 5

6. Тўғри бурчакли учбурчакнинг баландлиги гипотенузани 8 ва 18 га тенг кесмаларга ажратади. Шу баландликни топинг.
 А) 24 В) $12\sqrt{3}$ С) $12\sqrt{2}$ D) 12 Е) 8

7. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?

- 1) томонлари a, b ва c бўлган учбурчакка ички чизилган айлананинг радиуси $r = \frac{2S}{a + b + c}$ формула билан ҳисобланади;
 2) радиуси R га, марказий бурчаги α га тенг доиравий секторнинг юзи $S = \frac{\pi R^2}{360} \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 3) томони a га, бурчакларидан бири α га тенг ромбнинг юзи $S = \frac{1}{2} a^2 \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 4) диагоналлари d_1 ва d_2 га, улар орасидаги бурчаги α га тенг ихтиёрий қавариқ тўртбурчакнинг юзи $S = \frac{1}{2} d_1 d_2 \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 5) ўхшаш фигуралар юзларининг нисбати уларнинг мос чизикли ўлчовларининг нисбатига тенг.
 А) 1; 3; 4 В) 2; 4; 5 С) 1; 2; 5
 D) 1; 2; 4 Е) 2; 3; 4

8. Текисликка оғма ва перпендикуляр туширилган. Оғманинг текисликдаги проекцияси 20 га, перпендикулярнинг узунлиги 15 га тенг. Оғма ва перпендикуляр орасидаги бурчакни топинг.

- А) $\arcsin \frac{3}{10}$ В) $\arcsin \frac{3}{4}$ С) $\arccos \frac{2}{5}$
 D) $\operatorname{arctg} \frac{3}{4}$ Е) $\arcsin \frac{4}{5}$

9. $B(0; 4; 2)$ нуқта $\vec{a}(2; -3; 1)$ векторнинг охири бўлса, бу вектор бошининг координаталарини топинг.

- А) $(-2; -7; 1)$ В) $(2; 7; -1)$ С) $(2; 7; 1)$
 D) $(-2; 7; -1)$ Е) $(-2; 7; 1)$

10. Қуйида келтирилган параллелограммларнинг қайсилари барча ён ёқлари асос текислиги билан бир хил бурчак ташкил қиладиган пирамиданинг асоси бўлиши мумкин?

- А) ромб ёки квадрат
 В) квадрат ёки тўғри тўртбурчак
 С) ихтиёрий параллелограмм
 D) фақат тўғри тўртбурчак
 Е) фақат квадрат

11. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
 1) иккита ўхшаш жисм ҳажмларининг нисбати уларнинг мос чизиқли ўлчовлари кубларининг нисбатига тенг;
 2) цилиндрнинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасининг учдан бирига тенг;
 3) шарнинг ҳажми $\frac{3}{4}\pi R^3$ га тенг;
 4) шар секторининг ҳажми $\frac{2}{3}\pi R^2 H$ га тенг (H – мос шар сегментининг баландлиги, R – шарнинг радиуси);
 5) асосининг радиуси R га, ясовчиси l га тенг конус ён сиртининг юзи πRl га тенг.
 А) 3; 4; 5 В) 2; 4; 5 С) 1; 2; 4
 D) 1; 3; 5 E) 1; 4; 5
12. $\frac{\cos 3\alpha}{\cos \alpha} - \frac{\sin 3\alpha}{\sin \alpha}$ ни соддалаштиринг.
 А) $2 \sin \alpha$ В) 0,5 С) $2 \cos \alpha$ D) -2 E) 2
13. Қуйидаги формулалардан қайсилари тўғри?
 1) $\cos(x - y) = \sin x \cdot \cos y - \cos x \cdot \sin y$;
 2) $\operatorname{tg}(x + y) = \frac{\operatorname{tg} x - \operatorname{tg} y}{1 + \operatorname{tg} x \cdot \operatorname{tg} y}$,
 $x, y, x + y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in Z$;
 3) $\cos^2 \frac{x}{2} = \frac{1 + \cos x}{2}$;
 4) $\cos x + \cos y = 2 \cos \frac{x+y}{2} \cos \frac{x-y}{2}$;
 5) $\operatorname{tg} x + \operatorname{tg} y = \frac{\sin(x+y)}{\cos x \cdot \cos y}$,
 $x, y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in Z$.
 А) 1; 3; 5 В) 2; 3; 4 С) 1; 3; 4 D) 3; 4; 5
 E) 2; 4; 5
14. Нечта уч хонали сон 15 га қолдиқсиз бўлинади?
 А) 61 В) 63 С) 64 D) 60 E) 59
15. Маҳсулотнинг нархи кетма-кет икки марта 10% га оширилгандан сўнг 451 сўм бўлди. Биринчи кўтарилгандан сўнг маҳсулотнинг нархи неча сўм бўлган?
 А) 450 В) 410 С) 420 D) 440 E) 430
16. Агар $p > q > k > 0$ бўлса, $|p+q| + |k-q| - |k-p|$ ни соддалаштиринг.
 А) $2q$ В) $2q - 2k$ С) $2p$ D) $2p + 2k$
 E) $2p + 2q - 2k$
17. $\frac{19}{\sqrt{20+1}} + 7 - 2\sqrt{5}$ ни соддалаштиринг.
 А) $4\sqrt{5} - 7$ В) $2\sqrt{5} - 5$ С) 6 D) $4\sqrt{5} - 6$
 E) 5
18. $(-0,75)^3 \cdot \left(-\frac{2}{3}\right)^2 \cdot (1,5)^4 \cdot \left(-\frac{4}{3}\right)^3 \cdot \left(\frac{9}{7}\right)^{-1}$ ни ҳисобланг.
 А) 2,5 В) 1,5 С) 1,75 D) 2,25 E) 2,75
19. $16(2q-1)(2q+1) + p^2 - 16pq + 4$ нинг энг кичик қийматини топинг.
 А) -11 В) -8 С) -10 D) -13 E) -12
20. Икки соннинг йиғиндиси 6 га, квадратларининг айирмаси эса 12 га тенг. Шу сонларнинг кўпайтмасини топинг.
 А) 7 В) 12 С) 8 D) -7 E) -8
21. $a = 1 - 0,48(1)$, $b = \frac{47}{90}$ ва $c = 0,5(3)$.
 a , b ва c сонлар учун қуйидаги муносабатлардан қайси бири ўринли?
 А) $c < b < a$ В) $a < c < b$ С) $a < b < c$
 D) $b < a < c$ E) $b < c < a$
22. Катетларидан бири $8\sqrt{2}$ га тенг бўлган тўғри бурчакли учбурчак гипотенузасининг иккинчи катетига нисбати 5:3 га тенг. Учбурчакнинг юзини топинг.
 А) 20 В) 48 С) 12 D) 24 E) 15
23. Агар $\vec{a}(2; 0; -2)$ ва $\vec{b}(1; -2; 4,5)$ бўлса, $\vec{n} = \vec{a} + 2\vec{b}$ векторнинг узунлигини топинг.
 А) 16 В) 8 С) 9 D) 13 E) $6\sqrt{2}$
24. Цилиндрнинг ўқ кесими томонлари $\frac{2\sqrt[3]{2}}{\sqrt{\pi}}$ га тенг бўлган квадрат бўлса, унинг ҳажми қанчага тенг бўлади?
 А) $\frac{1}{4}$ В) 6 С) $\frac{1}{2}$ D) 4 E) 2
25. $[1; 3]$ оралиқдаги махражи 3 га тенг бўлган барча қисқармайдиغان касрларнинг йиғиндисини топинг.
 А) $7\frac{1}{3}$ В) 8 С) $8\frac{1}{3}$ D) 9 E) $8\frac{2}{3}$
26. $4|x-2| = 3 + (x-2)^2$ тенгламанинг илдизлари кўпайтмасини топинг.
 А) -3 В) -9 С) 3 D) -15 E) 15
27. Арифметик прогрессиянинг дастлабки тўртта ҳади йиғиндиси 124 га, охириги тўрттасиники 156 га тенг. Прогрессиянинг ҳадлари йиғиндиси 350 га тенг. Прогрессиянинг нечта ҳади бор?
 А) 11 В) 7 С) 8 D) 10 E) 9
28. $x^{\log_{0,3}(x^2-3x+2)} < x^{\log_{0,3}(x-1)}$ тенгсизлик x нинг қандай қийматларида ўринли?
 А) $(5; \infty)$ В) $(3; \infty)$ С) \emptyset D) $(-\infty; 1)$
 E) $(4; \infty)$

29. Томонлари 11, 12 ва $\sqrt{241}$ га тенг бўлган учбурчакнинг катта томонига туширилган медианаси узунлигини топинг.
 А) 8,5 В) 8 С) 10 D) 9,5 E) 9
30. Агар $|\vec{a}| = \sqrt{137}$, $|\vec{a} + \vec{b}| = 20$ ва $|\vec{a} - \vec{b}| = 9\sqrt{2}$ бўлса, $|\vec{b}|$ ни топинг.
 А) $8\sqrt{2}$ В) 15 С) $7\sqrt{2}$ D) 12 E) $7\sqrt{3}$
31. $\operatorname{tg}\left(\frac{1}{2}\arcsin\frac{5}{13}\right)$ ни ҳисобланг.
 А) $\frac{1}{10}$ В) 5 С) $\frac{1}{25}$ D) $\frac{1}{5}$ E) $\frac{1}{15}$
32. $\cos x \cos 2x \cos 4x = 1$ тенглама $[-2\pi; 2\pi]$ кесмада нечта илдизга эга?
 А) 3 В) \emptyset С) 1 D) 4 E) 2
33. $(2y - 3z)^3 - (x - 3z)^3 - (2y - x)^3$ кўпхадни кўпайтувчиларга ажратинг.
 А) $6(2y - x)(2y - 3z)(x - 3z)$
 В) Тўғри жавоб келтирилмаган.
 С) Кўпайтувчиларга ажралмайди.
 D) $-3(2y - 3z)(x - 3z)(2y - x)$
 E) $3(2y - x)(2y - 3z)(x - 3z)$
34. $\left| \frac{1}{1 - 0,5x} \right| > \frac{2}{7}$ тенгсизликнинг барча бутун сонлардаги ечимлари йиғиндисини топинг.
 А) 22 В) 21 С) 24 D) 23 E) 26
35. $\log_{4x} \frac{4}{x} + \frac{1}{\log_x^2 4} = 1$ тенглама илдизларининг йиғиндисини топинг.
 А) $\frac{81}{16}$ В) $\frac{35}{16}$ С) $\frac{65}{16}$ D) $\frac{5}{8}$ E) $\frac{3}{8}$
36. ABC учбурчакда $\angle A = 30^\circ$, $AB = \sqrt{3}$, $AC = 6$. A учидан туширилган баландликнинг узунлигини топинг.
 А) $\frac{3}{7}\sqrt{7}$ В) $\frac{5}{7}\sqrt{7}$ С) $\frac{\sqrt{7}}{7}$ D) $\frac{4}{7}\sqrt{7}$
 E) $\frac{2}{7}\sqrt{7}$

МАТЕМАТИКА

1. Қуйидаги нуқталарнинг қайси бири $f(x) = -2x + 9$ функциянинг графигига тегишли?
 А) $(-5; 2)$ В) $(0; -3)$ С) $(-1; 1)$
 D) $(1; -1)$ E) $(2; 5)$
2. $(b^2 - \frac{1+b^4}{b^2+1}) : \frac{-1+b}{1+b^2}$ ни соддалаштиринг.
 А) $b-1$ В) $-b-1$ С) 1 D) $\frac{1}{b+1}$
 E) $b+1$
3. m нинг қандай қийматларида $|m+1| = m+1$ тенглик ўринли бўлади?
 А) $m=0$ В) $m \geq -1$ С) $m = -1$
 D) $m > -1$ E) $m \in R$
4. Ҳосилалар учун формулаларнинг қайсилари тўғри?
 1) $(a^x)' = a^x \ln a$;
 2) $(\cos x)' = \sin x$;
 3) $(\operatorname{ctg} x)' = -\frac{1}{\sin^2 x}$;
 4) $(e^{kx+b})' = \frac{1}{k} e^{kx+b}$;
 5) $(\ln(kx+b))' = \frac{k}{kx+b}$.
 А) 1; 4; 5 В) 3; 4; 5 С) 2; 3; 5
 D) 1; 2; 3 E) 1; 3; 5
5. Бошланғич функцияни топшиш учун қуйида келтирилган формулалардан қайсилари тўғри?
 1) $f(x) = (kx+b)^p, p \neq -1, k \neq 0, F(x) = \frac{(kx+b)^{p+1}}{k(p+1)} + C$
 2) $f(x) = \frac{1}{x}, x > 0, F(x) = -\frac{1}{x^2} + C$
 3) $f(x) = e^{kx+b}, k \neq 0, F(x) = ke^{kx+b} + C$
 4) $f(x) = \cos(kx+b), k \neq 0, F(x) = \frac{1}{k} \sin(kx+b) + C$
 5) $f(x) = e^{2x} - \cos \frac{x}{3}, F(x) = \frac{1}{2} e^{2x} - 3 \sin \frac{x}{3} + C$
 А) 3; 4; 5 В) 2; 4; 5 С) 1; 2; 4
 D) 1; 3; 5 E) 1; 4; 5
6. Тўғри бурчакли учбурчакнинг ўткир бурчаги 60° га, гипотенузасига туширилган баландлиги 9 га тенг. Берилган учбурчакнинг катта катетини топинг.
 А) $\frac{9\sqrt{3}}{2}$ В) $3\sqrt{3}$ С) 18 D) $9\sqrt{3}$ E) 4, 5

7. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
 1) учбурчакка ташқи чизилган айлананинг радиуси $R = \frac{abc}{2S}$ (a, b, c — учбурчакнинг томонлари, S — учбурчакнинг юзи) формула билан ҳисобланади;
 2) радиуси R га, марказий бурчаги α га тенг доиравий секторнинг юзи $S = \frac{\pi R^2}{360} \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 3) томонлари a ва b га, улар орасидаги бурчаги α га тенг бўлган учбурчакнинг юзи $S = ab \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 4) диагоналлари d_1 ва d_2 га, улар орасидаги бурчаги α га тенг ихтиёрий каварик, тўртбурчакнинг юзи $S = \frac{1}{2} d_1 d_2 \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 5) ўхшаш фигуралар юзларининг нисбати уларнинг мос чизиқли ўлчовлари квадратларининг нисбатига тенг.
 А) 3; 4; 5 В) 1; 4; 5 С) 1; 2; 4
 D) 2; 3; 5 E) 2; 4; 5
8. Текисликка туширилган оғма ва перпендикуляр орасидаги бурчак $\arcsin \frac{12}{13}$ га тенг. Оғманинг узунлиги 13 га тенг. Перпендикулярнинг узунлигини топинг.
 А) $5\frac{5}{12}$ В) 6 С) 5 D) 10 E) 12
9. Оғз текислигига нисбатан (1; 2; 3) нуқтага симметрик бўлган нуқтани топинг.
 А) (1; 2; -3) В) (-1; -2; -3) С) (-1; 2; 3)
 D) (1; -2; 3) E) (-1; -2; 3)
10. Оғма призманинг ён қирраси 20 га тенг ва асос текислиги билан 30° ли бурчак ҳосил қилади. Призманинг баландлигини топинг.
 А) 10 В) 15 С) 12 D) $10\sqrt{2}$ E) $10\sqrt{3}$
11. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
 1) пирамиданинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасининг уч бараварига тенг;
 2) иккита ўхшаш жисм ҳажмларининг нисбати уларнинг мос чизиқли ўлчовлари кубларининг нисбатига тенг;
 3) цилиндрнинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасига тенг;
 4) шарнинг ҳажми $\frac{3}{4} \pi R^3$ га тенг;
 5) шар секторининг ҳажми $\frac{2}{3} \pi R^2 H$ га тенг (H — мос шар сегментининг баландлиги, R — шарнинг радиуси).
 А) 1; 3; 5 В) 2; 3; 5 С) 1; 2; 3
 D) 2; 3; 4 E) 2; 4; 5

12. $\frac{2}{\operatorname{tg} \alpha - \operatorname{ctg} \alpha}$ ни соддалаштиринг.
 A) $\operatorname{tg} 2\alpha$ B) $\sin 2\alpha$ C) $\cos 2\alpha$ D) $-\operatorname{tg} 2\alpha$
 E) $\operatorname{ctg} 2\alpha$
13. Қуйидаги формулалардан қайсилари тўғри?
 1) $\sin(x - y) = \sin x \cdot \cos y - \cos x \cdot \sin y$;
 2) $\operatorname{tg}(x + y) = \frac{\operatorname{tg} x - \operatorname{tg} y}{1 + \operatorname{tg} x \cdot \operatorname{tg} y}$,
 $x, y, x + y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$;
 3) $\cos^2 \frac{x}{2} = \frac{1 - \cos x}{2}$;
 4) $\cos x + \cos y = 2 \cos \frac{x + y}{2} \cos \frac{x - y}{2}$;
 5) $\operatorname{tg} x - \operatorname{tg} y = \frac{\sin(x - y)}{\cos x \cdot \cos y}$,
 $x, y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$.
 A) 1; 4; 5 B) 1; 2; 5 C) 1; 3; 4 D) 1; 3; 5
 E) 2; 4; 5
14. $\frac{3n - 1}{n + 1}$ ифода n нинг нечта натурал қийматида бутун сон бўлади?
 A) 2 B) ҳеч бир қийматида C) 4 D) 1
 E) 3
15. Ёғлилиги 2% бўлган 80 л сут билан ёғлилиги 5% бўлган неча л сут аралаштирилса, ёғлилиги $\frac{23}{7}\%$ бўлган сут олиш мумкин?
 A) 40 B) 60 C) 20 D) 50 E) 30
16. 15 ва 35 сонларининг энг кичик умумий карралиси билан энг катта умумий бўлувчисининг йиғиндисини топинг.
 A) 112 B) 114 C) 108 D) 109 E) 110
17. $\frac{5x + 6}{x^2 - 4} - \frac{x}{x^2 - 4} : \frac{x}{x - 2} - \frac{6 - x}{x - 2}$ ифодани соддалаштиринг.
 A) $\frac{x - 2}{x + 2}$ B) $\frac{1}{x + 2}$ C) 1 D) $\frac{x^2 + 4}{4 - x^2}$
 E) -1
18. $\frac{3 \cdot 7^{15} - 19 \cdot 7^{14}}{(7^{16} + 3 \cdot 7^{15}) \cdot (5 \cdot 343)^{-1}}$ ни ҳисобланг.
 A) $\frac{1}{7}$ B) 3 C) 7 D) $\frac{1}{49}$ E) 49
19. $(\alpha x + 2y)(3x + \beta y) = \gamma x^2 + 6\frac{2}{3}xy + y^2$
 айниятдаги номаълум коэффициентлардан бири γ ни топинг.
 A) 7 B) 2 C) 5 D) 4 E) 6
20. Икки соннинг ўрта арифметиғи бу сонларнинг каттасидан 13 та кам. Бу сонлар айирмасининг модули нечага тенг бўлади?
 A) 25 B) 26 C) 24 D) 23 E) 22
21. Агар арифметик прогрессияда $S_n - S_{n-1} = 52$ ва $S_{n+1} - S_n = 63$ бўлса, унинг ҳадлари айирмаси қанчага тенг бўлади?
 A) 12 B) 14 C) 10 D) 13 E) 11
22. Ҳар бир ички бурчаги 156° бўлган қавариқ, кўпбурчакнинг нечта томони бор?
 A) 10 B) 15 C) 6 D) 12 E) 8
23. m нинг қандай қийматида $\vec{a}(1; m; -2)$ ва $\vec{b}(m; 3; -8)$ векторлар перпендикуляр бўлади?
 A) 4 B) -2 C) 2 D) -4 E) 3
24. Конуснинг ўқ кесими - томони $\frac{2\sqrt{14}}{\sqrt{\pi}}$ га тенг бўлган мунтазам учбурчак бўлса, унинг ён сирти юзи қанчага тенг бўлади?
 A) 24 B) 32 C) 9 D) 28 E) 18
25. $\frac{3, 21 \cdot 5, 95 - 4, 44}{2, 21 \cdot 5, 95 + 1, 51}$ ни ҳисобланг.
 A) $\frac{1}{2}$ B) $\frac{61}{186}$ C) 1 D) $1\frac{1}{2}$ E) 2
26. Агар m ва n натурал сонлар $\sqrt{2}(n - 5) + n^2 - 6mn + 17, 5m = 0$ тенгликни қаноатлантирса, $n - m$ ни топинг.
 A) 6 B) 4 C) 2 D) 3 E) 5
27. Ушбу 11121314...5960 соннинг рақамлари йиғиндисини топинг.
 A) 360 B) 390 C) 380 D) 400 E) 370
28. $a = \log_{1/5} 4$, $b = \log_{1/5} 6$ ва $c = \log_{1/6} 4$ бўлса, a , b ва c сонлар учун қуйидаги муносабатларнинг қайси бири ўриқли?
 A) $c < a < b$ B) $a < c < b$ C) $c < b < a$
 D) $b < a < c$ E) $b < c < a$
29. Тўғри бурчакли учбурчакнинг томонлари 12; 16 ва 20 бўлса, унга ички ва ташқи чизилган айланалар марказлари орасидаги масофани топинг.
 A) $5\sqrt{2}$ B) $2\sqrt{5}$ C) $\sqrt{5}$ D) 4 E) $\sqrt{6}$
30. ABCD параллелограммнинг учлари A(4; 1), B(6; 3), D(7; $\sqrt{171} - 1$) нуқталар бўлса, AC диагональнинг узунлигини топинг.
 A) 12 B) $\sqrt{140}$ C) 13 D) $\sqrt{221}$ E) 14
31. Агар $\sin \alpha = \frac{3}{5}$, $\sin \beta = \frac{5}{13}$, $\frac{\pi}{2} < \alpha < \pi$ ва $\frac{\pi}{2} < \beta < \pi$ бўлса, $\sin(\alpha - \beta)$ нинг қиймати қанчага тенг?
 A) $\frac{56}{65}$ B) $-\frac{2}{13}$ C) $-\frac{16}{65}$ D) $-\frac{56}{65}$ E) $\frac{16}{65}$

32. $\operatorname{tg} x - \operatorname{tg} \frac{\pi}{3} - \operatorname{tg} x \operatorname{tg} \frac{\pi}{3} = 1$ тенгламани ечинг.
- A) $\frac{7\pi}{12} + 2\pi k, k \in Z$ B) $\frac{5\pi}{6} + \pi k, k \in Z$
C) $\frac{7\pi}{6} + \pi k, k \in Z$ D) $\frac{7\pi}{12} + \pi k, k \in Z$
E) $\frac{5\pi}{6} + 2\pi k, k \in Z$
33. m нинг қандай қийматида $x(x+3a)(x+b)(x+3a+b) + \frac{m^2}{4}$ ифода тўла квадрат бўлади?
- A) $4a^2b^2$ B) Бундай қиймат мавжуд эмас.
C) Тўғри жавоб келтирилмаган. D) $\pm 3ab$
E) $\pm \frac{ab}{3}$
34. Нечта туб сон $3 < \frac{7x-19}{3x-17} < 5$ тенгсизликнинг ечими бўлади?
- A) 7 B) 11 C) 2 D) 5 E) 3
35. $\cos^2(x+1) \cdot \log_4(3-2x-x^2) \geq 1$ тенгсизликни ечинг.
- A) $\{-2; -1\}$ B) $(-3; 0) \cup (0; 1)$ C) $[-1; 0)$
D) $\{-1\}$ E) $[-2; -1]$
36. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катетлари 4 ва 6 га тенг. Шу учбурчакнинг тўғри бурчагидан чиқарилган биссектрисасининг узунлигини топинг.
- A) $5\sqrt{2}$ B) $2,4\sqrt{2}$ C) 3,6 D) 4,8
E) $4,8\sqrt{2}$

МАТЕМАТИКА

1. $y = x^2 - 4x - 2$ параболанинг учлари координаталар текислигининг қаерида жойлашган?
 А) ОУ ўқида В) IV чоракда С) I чоракда
 D) III чоракда E) II чоракда
2. $\frac{0,5 - 0,5^2}{0,4^2 + 2 \cdot 0,04 + 0,1^2}$ нинг қийматини ҳисобланг.
 А) -0,1 В) -2 С) 1 D) 10 E) -1
3. $\frac{1 - \frac{1}{x-1}}{1 + \frac{1}{x-1}} = 0$ тенгламани ечинг.
 А) -1 В) 2 С) -2 D) 1 E) 0
4. Ҳосилалар учун формулаларнинг қайсилари тўғри?
 1) $(\log_a x)' = \frac{1}{x \ln a}$;
 2) $(\cos x)' = -\sin x$;
 3) $(\operatorname{tg} x)' = -\frac{1}{\cos^2 x}$;
 4) $(e^{kx+b})' = ke^{kx+b}$;
 5) $(\ln(kx+b))' = \frac{1}{k} \cdot \frac{1}{kx+b}$.
 А) 1; 2; 4 В) 2; 3; 5 С) 1; 2; 5
 D) 1; 3; 4 E) 2; 4; 5
5. Бошланғич функцияни топшиш учун қуйида келтирилган формулалардан қайсилари тўғри?
 1) $f(x) = x^p, p \neq -1$ $F(x) = px^{p+1} + C$
 2) $f(x) = \frac{1}{kx+b}, k \neq 0, kx+b > 0$ $F(x) = \frac{1}{k} \ln(kx+b) + C$
 3) $f(x) = e^{kx+b}, k \neq 0$ $F(x) = \frac{1}{k} e^{kx+b} + C$
 4) $f(x) = \sin(kx+b), k \neq 0$ $F(x) = -\frac{1}{k} \cos(kx+b) + C$
 5) $f(x) = e^{\frac{x}{2}} + \sin 3x$ $F(x) = \frac{1}{2} e^{\frac{x}{2}} + 3 \cos 3x + C$
 А) 3; 4; 5 В) 2; 3; 5 С) 2; 3; 4
 D) 1; 2; 4 E) 1; 2; 3
6. Тўғри бурчакли учбурчакнинг баландлиги гипотенузани 3 ва 12 га тенг кесмаларга ажратади. Шу баландликни тошинг.
 А) 12 В) 4 С) 6 D) $6\sqrt{3}$ E) $6\sqrt{2}$

7. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
 1) томонлари a, b ва c бўлган учбурчакка ички чизилган айлананинг радиуси $r = \frac{2S}{a+b+c}$ формула билан ҳисобланади;
 2) радиуси R га, марказий бурчаги α га тенг доиравий секторнинг юзи $S = \frac{\pi R^2}{360} \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 3) томонлари a ва b га, улар орасидаги бурчакларидан бири α га тенг бўлган параллелограммнинг юзи $S = ab \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 4) диагоналлари d_1 ва d_2 га, улар орасидаги бурчаги α га тенг ихтиёрий қавариқ, тўртбурчакнинг юзи $S = d_1 d_2 \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 5) ўхшаш фигуралар юзларининг нисбати уларнинг мос чизиқли ўлчовларининг нисбатига тенг.
 А) 1; 2; 3 В) 2; 3; 4 С) 1; 2; 4
 D) 1; 3; 5 E) 2; 3; 5
8. Текисликка оғма ва перпендикуляр туширилган. Оғманинг текисликдаги проекцияси 7 га, перпендикулярнинг узунлиги 24 га тенг. Оғма ва перпендикуляр орасидаги бурчакни топинг.
 А) $\arcsin \frac{12}{25}$ В) $\operatorname{arctg} \frac{24}{7}$ С) $\arcsin \frac{7}{24}$
 D) $\arcsin \frac{7}{25}$ E) $\arccos \frac{7}{50}$
9. Қуйидаги нуқталардан қайси бири XZ текисликда ётади?
 А) (2; 0; -8) В) (0; -4; 5) С) (-4; 3; 0)
 D) (2; -4; 6) E) (0; -7; 0)
10. Тўртбурчакли мунтазам пирамида асосининг томони 3 марта катталаштирилди, баландлиги эса 3 марта кичиклаштирилди. Ҳосил бўлган пирамида ҳажмининг дастлабки пирамида ҳажмига нисбатини тошинг.
 А) 9 : 1 В) 1 : 1 С) 3 : 1 D) 1 : 9
 E) 1 : 3

11. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
 1) иккита ўхшаш жисм ҳажмларининг нисбати уларнинг мос чизиқли ўлчовлари квадратларининг нисбатига тенг;
 2) цилиндрнинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасига тенг;
 3) шарнинг ҳажми $\frac{3}{4}\pi R^3$ га тенг;
 4) шар секторининг ҳажми $\frac{2}{3}\pi R^2 H$ га тенг (H – мос шар сегментининг баландлиги, R – шарнинг радиуси);
 5) асосининг радиуси R га, баландлиги h га тенг цилиндр ён сиртининг юзи $2\pi R h$ га тенг.
 А) 2; 4; 5 В) 2; 3; 4 С) 1; 2; 4
 D) 1; 2; 5 Е) 3; 4; 5
12. $\cos 30^\circ \cdot \sin 75^\circ - \cos 60^\circ \cdot \sin 15^\circ$ ни ҳисобланг.
 А) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ В) 1 С) $\frac{1}{2}$ D) 0 Е) $\frac{\sqrt{2}}{2}$
13. Қуйидаги формулалардан қайсилари тўғри?
 1) $\sin(x+y) = \sin x \cdot \cos y + \cos x \cdot \sin y$;
 2) $\operatorname{tg}(x+y) = \frac{\operatorname{tg} x - \operatorname{tg} y}{1 + \operatorname{tg} x \cdot \operatorname{tg} y}$,
 $x, y, x+y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$;
 3) $\sin^2 \frac{x}{2} = \frac{1 + \cos x}{2}$;
 4) $\cos x + \cos y = 2 \cos \frac{x+y}{2} \cos \frac{x-y}{2}$;
 5) $\operatorname{tg} x - \operatorname{tg} y = \frac{\sin(x-y)}{\cos x \cdot \cos y}$,
 $x, y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$.
 А) 1; 2; 5 В) 1; 4; 5 С) 1; 2; 4 D) 1; 3; 4
 Е) 3; 4; 5
14. 17827542 қуйидаги сонлардан қайси бирига қолдиқсиз бўлинади?
 А) 4 В) 8 С) 6 D) 5 Е) 7
15. Номаълум соннинг 36% и 96 нинг 40,5% ига тенг. Номаълум сонни топинг.
 А) 108 В) 100 С) 92 D) 120 Е) 98
16. $\frac{0,215 - 1,6 \cdot 0,215}{3,45 - 3 \frac{12}{25}}$ ни ҳисобланг.
 А) 4,3 В) 0,45 С) -0,43 D) -4,2
 Е) 0,43
17. $\frac{x+2}{1-x} - \frac{1-x^2}{1+x^2} \cdot \left(\frac{1}{(x-1)^2} - \frac{x}{1-x^2} \right)$ ни соддалаштиринг.
 А) $\frac{x+1}{1-x}$ В) $\frac{2x-1}{1-x}$ С) 1 D) $\frac{1}{x-1}$
 Е) -1
18. $(0,75)^3 \cdot \left(-\frac{4}{6}\right) \cdot \left(\frac{8}{6}\right)^3 \cdot 2\frac{5}{8}$ ни ҳисобланг.
 А) -2,75 В) -1,5 С) 1,5 D) -2
 Е) -1,75
19. Агар бўлувчи $x-2$ га, бўлинма $x-1$ га, қолдиқ 4 га тенг бўлса, бўлинувчи нимага тенг?
 А) $x^2 + x - 1$ В) $x^2 - 6$ С) $x^2 - 3x + 6$
 D) $x^2 - 5$ Е) $x^2 - 5x - 6$
20. $x+y = \sqrt{2+\sqrt{31}}$; $xy = 1$.
 $x^5 y + x y^5 = ?$
 А) 51 В) 18 С) 47 D) 24 Е) 29
21. $a_n = 4n - 12$ формула билан берилган кетма-кетликнинг дастлабки 50 та ҳадининг йириндисини топинг.
 А) 3480 В) 5000 С) 4500 D) 4900
 Е) 5050
22. Юзаси 169π бўлган доирага ички чизилган тўғри тўртбурчакнинг бир томони $2\sqrt{133}$ га тенг. Тўғри тўртбурчакнинг иккинчи томонини топинг.
 А) 5 В) 16 С) 7 D) 12 Е) 10
23. $A(0; y; 0)$ нуқта $B(1; 2; 3)$ ва $C(-1; 3; 4)$ нуқталардан тенг узоқликдалиги маълум бўлса, y ни топинг.
 А) -5 В) 6 С) 16 D) 7 Е) 5
24. Конуснинг ясовчиси $6\sqrt{3}$ га тенг ва u асос текислиги билан 30° ли бурчак ҳосил қилади. Конуснинг ҳажмини топинг.
 А) 27π В) 81π С) 9π D) $27\sqrt{3}\pi$
 Е) $9\sqrt{3}\pi$
25. $\frac{0,04^{-2} \cdot 125^4 \cdot 0,2^{-1}}{4 \cdot 25^8}$ ни ҳисобланг.
 А) $\frac{1}{4}$ В) $1\frac{1}{2}$ С) 0,5 D) 0,2 Е) 1,25
26. Агар $x^2 - 5,5x + \frac{5}{8}m = 0$ тенгламанинг x_1 ва x_2 илдизлари учун $3x_1 - 2x_2 = 14$ муносабат ўринли бўлса, m нинг қийматини топинг.
 А) 6 В) 3 С) -4 D) -6 Е) 4
27. 5 ва 1 сонлари орасига шу сонлар билан арифметик прогрессия ташкил этадиган бир нечта сон жойлаштирилди. Агар бу сонларнинг йириндисини 33 га тенг бўлса, нечта ҳад жойлаштирилган?
 А) 9 В) 6 С) 11 D) 12 Е) 10
28. $\log_2 3 = a$ ва $\log_2 5 = b$ бўлса, $\log_{15} 135$ ни a ва b орқали ифодаланг.
 А) $\frac{b+a}{b+2a}$ В) $\frac{b+3a}{b+a}$ С) $\frac{b+3a}{b+2a}$ D) $\frac{b+2a}{b+5a}$
 Е) $\frac{b+2a}{b+3a}$

29. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катетлари 8 ва $\frac{32}{3}$ га тенг. Кичик катетнинг гипотенузадаги проекциясини топинг.
- A) 5,4 B) $6\frac{1}{3}$ C) 6 D) 4,8 E) $5\frac{2}{3}$
30. Тенг ёнли трапециянинг ён томони 41 га, баландлиги 40 га ва ўрта чизиги 51 га тенг. Трапециянинг катта асосини топинг.
- A) 55 B) 65 C) 50 D) 60 E) 54
31. $tg(\alpha + \beta) = 5$, $tg(\alpha - \beta) = 3$ бўлса, $tg2\beta$ ни ҳисобланг.
- A) $\frac{1}{8}$ B) 2 C) 15 D) 1 E) 8
32. $1 - 2\cos2x > \sin^22x$ тенгсизлиكنи ечинг.
- A) $\left(\frac{\pi}{4} + \pi k; \frac{3\pi}{4} + \pi k\right), k \in Z$
- B) $\left(-\frac{\pi}{3} + 2\pi k; \frac{\pi}{3} + 2\pi k\right), k \in Z$
- C) $\left(\frac{\pi}{2} + \pi k; \pi + \pi k\right), k \in Z$
- D) $\left(-\frac{\pi}{2} + \pi k; \frac{\pi}{2} + \pi k\right), k \in Z$
- E) $\left(\frac{\pi}{3} + 2\pi k; \frac{2\pi}{3} + 2\pi k\right), k \in Z$
33. $(3z - x)^3 + (x - 2y)^3 - (3z - 2y)^3$ кўпхадни кўпайтувчиларга ажратинг.
- A) $3(3z - x)(x - 2y)(3z - 2y)$
- B) Тўғри жавоб келтирилмаган.
- C) $-3(3z - 2y)(3z - x)(x - 2y)$
- D) Кўпайтувчиларга ажралмайди.
- E) $-6(3z - 2y)(3z - x)(x - 2y)$
34. $(x^2 - x - 1)(x^2 - x - 7) \leq -5$ тенгсизлиكنинг энг катта бутун ва энг кичик бутун илдизлари айирмасини топинг.
- A) 4 B) 6 C) 2 D) 5 E) 3
35. $\cos^2(x + 1) \cdot \lg(9 - 2x - x^2) \geq 1$ тенгсизлиكنи ечинг.
- A) $[-1; 0)$ B) $[-1; 1)$ C) $(-\infty; -1]$
- D) $(0; \infty)$ E) $\{-1\}$
36. ABC учбурчакда $\angle A = 30^\circ$, $AB = \sqrt{3}$, $AC = 4$. A учидан туширилган баландлик узунлигини топинг.
- A) $\frac{4}{7}\sqrt{21}$ B) $\frac{1}{2}\sqrt{21}$ C) $\frac{3}{7}\sqrt{21}$ D) $\frac{\sqrt{21}}{7}$
- E) $\frac{2}{7}\sqrt{21}$

МАТЕМАТИКА

1. k нинг қандай қийматида $y = kx^2 - 2$ функциянинг графиги $A(-1; 0)$ нуқтадан ўтади?
A) 3 B) -1 C) 4 D) 2 E) -3
2. $(m^2 - \frac{1+m^4}{m^2-1}) : \frac{m^2+1}{m-1}$ ни соддалаштиринг.
A) $-\frac{1}{m+1}$ B) $\frac{1}{1-m}$ C) $m-1$ D) 1
E) $\frac{1}{m-1}$
3. $\begin{cases} 3x + 4y = 11, \\ 5x - 2y = 1. \end{cases} y = ?$
A) 2 B) -1 C) 0 D) -2 E) 1
4. Ҳосилалар учун формулаларнинг қайсилари тўғри?
1) $(x^p)' = \frac{x^{p+1}}{p+1}$;
2) $(\log_a x)' = \frac{1}{x \ln a}$;
3) $(\sin x)' = \cos x$;
4) $(\operatorname{ctg} x)' = \frac{1}{\sin^2 x}$;
5) $(e^{kx+b})' = ke^{kx+b}$.
A) 3; 4; 5 B) 1; 2; 3 C) 2; 3; 4
D) 2; 3; 5 E) 1; 3; 5
5. Бошланғич функцияни топим учун қуйида келтирилган формулалардан қайсилари тўғри?
1) $f(x) = x^p, p \neq -1$ $F(x) = px^{p+1} + C$
2) $f(x) = \frac{1}{kx+b}, k \neq 0, kx+b > 0$ $F(x) = k \ln(kx+b) + C$
3) $f(x) = e^{kx+b}, k \neq 0$ $F(x) = \frac{1}{k} e^{kx+b} + C$
4) $f(x) = \sin(kx+b), k \neq 0$ $F(x) = -\frac{1}{k} \cos(kx+b) + C$
5) $f(x) = e^{2x} - \cos \frac{x}{3}$ $F(x) = \frac{1}{2} e^{2x} - 3 \sin \frac{x}{3} + C$
A) 1; 3; 5 B) 3; 4; 5 C) 1; 3; 4
D) 2; 3; 4 E) 2; 4; 5
6. Тўғри бурчакли учбурчакнинг ўткир бурчаги 60° га, гипотенузасига туширилган баландлиги 21 га тенг. Берилган учбурчакнинг катта катетини топинг.
A) $\frac{21\sqrt{3}}{2}$ B) 42 C) $14\sqrt{3}$ D) $21\sqrt{3}$
E) 10,5
7. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
1) учбурчакка ташқи чизилган айлананинг радиуси $R = \frac{abc}{4S}$ (a, b, c — учбурчакнинг томонлари, S — учбурчакнинг юзи) формула билан ҳисобланади;
2) радиуси R га, марказий бурчаги α га тенг доиравий секторнинг юзи $S = \frac{\pi R^2}{180} \alpha$ формула билан ҳисобланади;
3) томонлари a ва b га, улар орасидаги бурчакларидан бири α га тенг бўлган параллелограммнинг юзи $S = ab \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
4) диагоналлари d_1 ва d_2 га, улар орасидаги бурчаги α га тенг ихтиёрий қавариқ тўртбурчакнинг юзи $S = d_1 d_2 \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
5) ўхшаш фигуралар юзларининг нисбати уларнинг мос чизиқли ўлчовлари квадратларининг нисбатига тенг.
A) 1; 3; 5 B) 3; 4; 5 C) 1; 3; 4
D) 1; 2; 3 E) 2; 3; 5
8. Текисликка оғма ва перпендикуляр туширилган. Оғманинг текисликдаги проекцияси 24 га, перпендикулярнинг узунлиги 7 га тенг. Оғма ва перпендикуляр орасидаги бурчакни топинг.
A) $\arcsin \frac{24}{25}$ B) $\arcsin \frac{7}{24}$ C) $\arcsin \frac{7}{25}$
D) $\operatorname{arctg} \frac{7}{48}$ E) $\arccos \frac{12}{25}$
9. $B(4; 2; 0)$ нуқта $\vec{a}(-2; 3; -1)$ векторнинг охири бўлса, бу вектор бошининг координаталарини топинг.
A) (6; -1; 1) B) (-6; -1; 1) C) (-6; 1; 1)
D) (6; -1; -1) E) (6; 1; 1)
10. Тўртбурчакли мунтазам пирамида асосининг томони 4 марта катталаштирилди, баландлиги эса 4 марта кичиклаштирилди. Ҳосил бўлган пирамида ҳажмининг дастлабки пирамида ҳажмига нисбатини топинг.
A) 1:1 B) 4:1 C) 1:16 D) 1:4
E) 16:1

11. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?

- 1) конуснинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасининг учдан бирига тенг;
 - 2) иккита ўхшаш жисм ҳажмларининг нисбати уларнинг мос чизиқли ўлчовлари кубларининг нисбатига тенг;
 - 3) цилиндрнинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасининг учдан бирига тенг;
 - 4) шарнинг ҳажми $\frac{4}{3}\pi R^3$ га тенг;
 - 5) шар секторининг ҳажми $\pi H^2(R - \frac{H}{3})$ га тенг (H – мос шар сегментининг баландлиги, R – шарнинг радиуси).
- A) 1; 4; 5 B) 1; 2; 4 C) 1; 2; 3
D) 2; 3; 4 E) 2; 4; 5

12. $\frac{1 + \sin 2\alpha}{\sin \alpha + \cos \alpha} - \cos \alpha$ ни соддалаштиринг.

- A) $-\cos \alpha$ B) $\cos \alpha - 2 \sin \alpha$ C) $\cos \alpha$
D) $-2 \sin \alpha$ E) $\sin \alpha$

13. Қуйидаги формулалардан қайсилари тўғри?

1) $\sin(x + y) = \cos x \cdot \cos y - \sin x \cdot \sin y$;

2) $\operatorname{tg}(x + y) = \frac{\operatorname{tg} x + \operatorname{tg} y}{1 - \operatorname{tg} x \cdot \operatorname{tg} y}$;

$x, y, x + y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$;

3) $\sin^2 \frac{x}{2} = \frac{1 + \cos x}{2}$;

4) $\sin x + \sin y = 2 \sin \frac{x + y}{2} \cos \frac{x - y}{2}$;

5) $\operatorname{tg} x + \operatorname{tg} y = \frac{\sin(x + y)}{\cos x \cdot \cos y}$;

$x, y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$.

- A) 3; 4; 5 B) 2; 3; 5 C) 2; 4; 5 D) 1; 2; 5
E) 1; 2; 4

14. Қайси тенглик қолдиқли бўлишни ифодалайди?

- 1) $43 = 9 \cdot 5 - 2$; 2) $43 = 7 \cdot 5 + 8$;
3) $43 = 8 \cdot 5 + 3$; 4) $43 = 21 \cdot 2 + 1$.

- A) 2; 4 B) ҳаммаси C) 1; 2; 4 D) 3; 4
E) 2; 3; 4

15. Қотишма кумуш ва олтидан иборат бўлиб, ўзаро 3:5 нисбатда. Агар қотишмада 0,5625 кг олтин бўлса, қотишманинг оғирлигини (кг) топинг.

- A) 1,21 B) 0,9 C) 0,72 D) 0,8 E) 0,21

16. $\frac{5}{19}(3\frac{4}{5} \cdot 5\frac{1}{3} + 3\frac{2}{3} \cdot 3,8)$ ни ҳисобланг.

- A) 2120 B) 2200 C) 2010 D) 2000
E) 1800

17. $(\frac{1}{m^2 - m} - \frac{1}{m - 1}) \cdot \frac{m}{m + 2} + \frac{3m - 4}{m^2 - 4}$ ни соддалаштиринг.

- A) $\frac{2}{m^2 - 4}$ B) $\frac{2m + 1}{4 - m^2}$ C) $\frac{2m - 2}{m^2 - 4}$
D) $\frac{1}{m + 2}$ E) $\frac{m}{m - 2}$

18. $\frac{3^9 \cdot 2^{19} + 15 \cdot 4^9 \cdot 9^4}{6^9 \cdot 2^{10} + 12^{10}} \cdot (1\frac{1}{2})^{-1}$ ни ҳисобланг.

- A) $\frac{1}{3}$ B) $\frac{1}{2}$ C) 1 D) $\frac{2}{3}$ E) 2

19. $(a + 3b)(a + b - 1) - (a + b)(a + 3b - 1)$ ни кўпқад шаклида тасвирланг.

- A) $4a + 2b$ B) $6ab$ C) $2a - b$ D) $4b$
E) $-2b$

20. Квадрат шаклидаги тунукадан эни 3 га тенг бўлган қисми қирқиб олинди. Агар қолган қисмининг юзи 40 га тенг бўлса, квадратнинг томонини аниқланг.

- A) 8 B) 5 C) 10 D) 6 E) 9

21. Агар геометрик прогрессияда $S_k - S_{k-1} = 64$ ва $S_{k+1} - S_k = 140,8$ бўлса, унинг махражи қанчага тенг бўлади?

- A) 1,8 B) 1,6 C) 2 D) 2,4 E) 2,2

22. $2x + 6y - 12 = 0$ тўғри чизиқ ва координата ўқлари билан чегараланган учбурчакнинг юзини топинг.

- A) 2 B) 1 C) 3 D) 6 E) 4

23. $A(x; 0; 0)$ нукта $B(1; 2; 3)$ ва $C(-1; 3; 6)$ нукталардан тенг узоқликдалиги маълум бўлса, x ни топинг.

- A) -3 B) -8 C) -1 D) 3 E) -2

24. Конус асосининг радиуси $6\sqrt{3}$ га тенг, ясовчиси асос текислиги билан 30° ли бурчак ташкил этади. Асос марказидан ясовчигача бўлган масофани топинг.

- A) 2,5 B) $2\sqrt{3}$ C) 4 D) $3\sqrt{3}$ E) 3

25. $\frac{2,21 \cdot 5,95 + 1,51}{6,42 \cdot 5,95 - 8,88}$ ни ҳисобланг.

- A) $1\frac{1}{2}$ B) $\frac{62}{41}$ C) 1 D) $-\frac{62}{41}$ E) $\frac{1}{2}$

26. x_1 ва x_2 сонлар $x^2 + 3x + k + 4 = 0$ тенгламанинг илдизлари ва $\frac{x_1}{x_2} = -\frac{1}{4}$ бўлса, k нинг қийматини топинг.

- A) -12 B) -6 C) -10 D) -8 E) -7

27. Ўсувчи геометрик прогрессиянинг дастлабки тўртта ҳади йиғиндиси 15 га, ундан кейинги тўрттасиники эса 240 га тенг. Шу прогрессиянинг дастлабки олтинчи ҳади йиғиндисини топинг.

- A) 63 B) 144 C) 31 D) 127 E) 48

28. $a = \log_{1/2} 3$, $b = \log_{1/4} 3$ ва $c = \log_{1/2} 5$ бўлса, a , b ва c сонлар учун қуйидаги муносабатларнинг қайси бири ўринли?
 A) $b < c < a$ B) $a < c < b$ C) $a < b < c$
 D) $b < a < c$ E) $c < a < b$
29. Учбурчакнинг томонлари 7 ва 11 га, учинчи томонига туширилган медианаси 7 га тенг. Учбурчакнинг учинчи томонини топинг.
 A) 14 B) 13 C) 12 D) 10 E) 8
30. Тенг ёнли трапециянинг кичик асоси 3 га, периметри 66 га тенг. Унинг диагонали ўтмас бурчагини тенг иккига бўлади. Трапециянинг ўрта чизигини топинг.
 A) 12 B) 10 C) 8 D) 7,5 E) 8,5
31. $tg(2\arcsin \frac{3}{4})$ ни ҳисобланг.
 A) $-\sqrt{7}$ B) $-3\sqrt{7}$ C) $3\sqrt{7}$ D) $2\sqrt{7}$
 E) $\sqrt{7}$
32. $1 - 2\sin 4x < \cos^2 4x$ тенгсизлиқни ечинг.
 A) $(\frac{\pi k}{2}; \frac{\pi}{4} + \frac{\pi k}{2})$, $k \in Z$
 B) $(\frac{\pi}{8} + 2\pi k; \frac{5\pi}{8} + 2\pi k)$, $k \in Z$
 C) $(\pi k; \frac{\pi}{2} + \pi k)$, $k \in Z$
 D) $(-\frac{\pi}{4} + 2\pi k; \frac{\pi}{4} + 2\pi k)$, $k \in Z$
 E) $(-\frac{\pi}{2} + 2\pi k; \frac{\pi}{2} + 2\pi k)$, $k \in Z$
33. $\frac{a - a\sqrt{a}}{\sqrt[3]{a^2} + \sqrt[3]{a^5} + a} - \frac{\sqrt[3]{a^2} - a}{\sqrt[3]{a} + \sqrt{a}} - 2\sqrt[3]{a}$ ни соддалаштиринг.
 A) $-\sqrt{a} - \sqrt[3]{a}$ B) $a + \sqrt[3]{a}$ C) $-2\sqrt[3]{a}$ D) 0
 E) $-2\sqrt{a}$
34. Умумий ҳади $a_n = \frac{6n - 2}{3n + 1}$ ($n \in N$) бўлган кетма-кетликнинг нечта ҳади (1, 7; 2, 2) оралиққа кирмайди?
 A) 8 B) 10 C) 4 D) 6 E) 5
35. $y = \frac{\arccos(x - 2) + \sqrt{9 - x^2}}{\log_3(5 - 2x)}$ функциянинг аниқланиш соҳасига тегишли бутун сонлар нечта?
 A) 3 B) Бундай сонлар йўқ. C) 4 D) 1
 E) 2
36. Тўғри бурчакли учбурчакда ўткир бурчакларининг медианалари узунликлари 15 ва $6\sqrt{5}$ га тенг. Гипотенуза узунлигини топинг.
 A) 20 B) 19 C) 18 D) 21 E) 16

МАТЕМАТИКА

1. $y = x^2 - 8x + 12$ параболанинг учини координаталар текислигининг қаерида ётади?
 A) OY ўқида B) III чоракда C) I чоракда
 D) IV чоракда E) II чоракда
2. $(2a - b)^2 + (2a + b)^2$ ни соддалаштиринг.
 A) $-8ab$ B) $2b^2 + 8a^2$ C) 0 D) $-4ab + 2b^2$
 E) $-2b^2$
3. Агар $(x - 5)(\frac{1}{5}x + 4) = 0$ бўлса, $\frac{1}{5}x + 4$ қандай қийматлар қабул қилади?
 A) 0 ёки 5 B) -20 ёки 0 C) фақат 0
 D) 0 ёки 8 E) фақат -20
4. Ҳосилалар учун формулаларнинг қайсилари тўғри?
 1) $(\log_a x)' = \frac{1}{x \ln a}$;
 2) $(\sin x)' = -\cos x$;
 3) $(\operatorname{tg} x)' = -\frac{1}{\cos^2 x}$;
 4) $(e^{kx+b})' = ke^{kx+b}$;
 5) $(\ln x)' = \frac{1}{x}, x > 0$.
 A) 2; 4; 5 B) 1; 3; 4 C) 1; 2; 4
 D) 1; 3; 5 E) 1; 4; 5
5. Бошланғич функцияни топиш учун қуйида келтирилган формулалардан қайсилари тўғри?
 1) $f(x) = (kx + b)^p, p \neq -1, k \neq 0, F(x) = kp(kx + b)^{p-1} + C$
 2) $f(x) = \frac{1}{kx + b}, k \neq 0, kx + b > 0, F(x) = \frac{1}{k} \ln(kx + b) + C$
 3) $f(x) = e^{kx+b}, k \neq 0, F(x) = \frac{1}{k} e^{kx+b} + C$
 4) $f(x) = \cos(kx + b), k \neq 0, F(x) = \frac{1}{k} \sin(kx + b) + C$
 5) $f(x) = e^{\frac{x}{2}} + \sin 3x, F(x) = \frac{1}{2} e^{\frac{x}{2}} + 3 \cos 3x + C$
 A) 1; 2; 4 B) 2; 3; 5 C) 1; 2; 3
 D) 2; 3; 4 E) 3; 4; 5
6. Тўғри бурчакли учбурчакнинг ўткир бурчаги 60° га, гипотенузасига туширилган баландлиги 12 га тенг. Берилган учбурчакнинг катта катетини топинг.
 A) 6 B) $12\sqrt{3}$ C) $8\sqrt{3}$ D) $6\sqrt{3}$ E) 24
7. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
 1) учбурчакка ташқи чизилган айлананинг радиуси $R = \frac{abc}{4S}$ (a, b, c — учбурчакнинг томонлари, S — учбурчакнинг юзи) формула билан ҳисобланади;
 2) радиуси R га, марказий бурчаги α га тенг доиравий секторнинг юзи $S = \frac{\pi R^2}{180} \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 3) томони a га, бурчакларидан бири α га тенг ромбнинг юзи $S = a^2 \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 4) диагоналлари d_1 ва d_2 га, улар орасидаги бурчаги α га тенг ихтиёрий қавариқ, тўртбурчакнинг юзи $S = d_1 d_2 \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;
 5) ўхшаш фигуралар юзларининг нисбати уларнинг мос чизикли ўлчовлари квадратларининг нисбатига тенг.
 A) 1; 3; 4 B) 3; 4; 5 C) 1; 3; 5
 D) 1; 2; 5 E) 2; 3; 5
8. Текисликка оғма ва перпендикуляр туширилган. Оғма ва текислик орасидаги бурчак $\arccos \frac{3}{5}$ га, оғманинг текисликдаги проекцияси 18 га тенг. Перпендикулярнинг узунлигини топинг.
 A) 12 B) $\frac{27}{2}$ C) 24 D) $\frac{54}{5}$ E) $\frac{72}{5}$
9. $\vec{m}(-1; 5; 3)$ ва $\vec{n}(2; -2; 4)$ векторларнинг скаляр кўпайтмасини ҳисобланг.
 A) 0 B) 12 C) -24 D) -10 E) 2
10. Қирраси 28 та бўлган пирамиданинг ён ёқлари нечта?
 A) 15 B) 16 C) 12 D) 18 E) 14
11. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
 1) конуснинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасининг уч бараварига тенг;
 2) иккита ўхшаш жисм ҳажмларининг нисбати уларнинг мос чизикли ўлчовлари кубларининг нисбатига тенг;
 3) цилиндрнинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасига тенг;
 4) шарнинг ҳажми $\frac{3}{4} \pi R^3$ га тенг;
 5) шар сегментининг ҳажми $\pi H^2 (R - \frac{H}{3})$ га тенг (H — шар сегментининг баландлиги, R — шарнинг радиуси).
 A) 2; 3; 4 B) 1; 3; 5 C) 1; 2; 3
 D) 2; 3; 5 E) 3; 4; 5

12. $\cos 930^\circ$ нинг қийматини аниқланг.
 A) $-0,5$ B) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ C) $\frac{1}{2}$ D) $-\frac{\sqrt{3}}{2}$
 E) $-\frac{\sqrt{2}}{2}$
13. Қуйидаги формулалардан қайсылари тўғри?
 1) $\cos(x - y) = \cos x \cdot \cos y + \sin x \cdot \sin y$;
 2) $\operatorname{tg}(x - y) = \frac{\operatorname{tg} x - \operatorname{tg} y}{1 + \operatorname{tg} x \cdot \operatorname{tg} y}$,
 $x, y, x - y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$;
 3) $\sin^2 \frac{x}{2} = \frac{1 + \cos x}{2}$;
 4) $\cos x + \cos y = -2 \sin \frac{x+y}{2} \sin \frac{x-y}{2}$;
 5) $\operatorname{tg} x + \operatorname{tg} y = \frac{\sin(x+y)}{\cos x \cdot \cos y}$,
 $x, y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$.
 A) 1; 4; 5 B) 1; 3; 5 C) 1; 2; 4 D) 1; 2; 5
 E) 2; 3; 5
14. Қайси тенглик қолдиқли бўлишни ифодалайди?
 1) $47 = 6 \cdot 6 + 11$; 2) $47 = 4 \cdot 11 + 3$;
 3) $47 = 9 \cdot 5 + 2$; 4) $47 = 7 \cdot 7 - 2$.
 A) 1; 4 B) ҳаммаси C) 1; 3 D) 2; 3
 E) 1; 2; 3
15. Тракторчилар майдонни уч кунда ҳайдаб бўлишди. Биринчи куни улар майдоннинг $\frac{3}{7}$ қисмини, иккинчи куни бутун ер майдонининг 40% ини, учинчи куни қолган 60 га майдонни ҳайдашган бўлса, майдоннинг юзи неча гектар бўлади?
 A) 500 B) 520 C) 420 D) 350 E) 450
16. Агар $x < y < z$ бўлса, $|x - y| - |z - y| - |z - x|$ ни соддалаштиринг.
 A) $2z - 2y$ B) $2y - 2z$ C) $2x$ D) $2y$
 E) $2y - 2x$
17. $\frac{19}{\sqrt{20} - 1} - 2\sqrt{5} + 5$ ни соддалаштиринг.
 A) $2\sqrt{5} + 4$ B) $2\sqrt{5} - 4$ C) 6 D) 4
 E) $4\sqrt{5} - 4$
18. $(\frac{2}{3})^{-3} + 2 \cdot 4^{-2} + (\frac{6}{7})^{-1}$ ни ҳисобланг.
 A) 2 B) 0 C) $3\frac{1}{2}$ D) 2,5 E) $4\frac{2}{3}$
19. $(-3x + \alpha y) \cdot (\beta x - 2y) = \gamma x^2 + 4xy + 2y^2$ айниятдаги номаълум коэффициентлардан бири β ни топинг.
 A) 2 B) 3 C) 1 D) -2 E) -1
20. Агар $\begin{cases} x^2 - 2xy + y^2 = 9 \\ xy = 6,75 \end{cases}$ бўлса, $|x + y|$ ни ҳисобланг.
 A) 5 B) 4 C) 7 D) 8 E) 6
21. Арифметик прогрессия учинчи ва тўққизинчи ҳадларининг йиғиндиси 10 га тенг. Шу прогрессиянинг дастлабки 11 та ҳадлари йиғиндиси топинг.
 A) 44 B) 60 C) 22 D) 55 E) 33
22. Катетларининг нисбати 2:3 каби бўлган тўғри бурчакли учбурчакнинг гипотенузаси $2\sqrt{26}$ га тенг. Учбурчакнинг юзини топинг.
 A) 39 B) $6\sqrt{13}$ C) $5\sqrt{13}$ D) 36 E) 24
23. Агар $\vec{a}(6; 2; 1)$ ва $\vec{b}(0; -1; 2 + 2\sqrt{14})$ бўлса, $\vec{c} = 2\vec{a} - \vec{b}$ векторнинг узунлигини топинг.
 A) 15 B) 9 C) 13 D) $6\sqrt{2}$ E) 14
24. Кесик конус асосларининг радиуслари 1 ва 5 га тенг. Агар баландлиги $2\sqrt{5}$ га тенг бўлса, унинг ясовчиси қанчага тенг бўлади?
 A) 4 B) 12 C) 6 D) 5 E) 3
25. $[1; 3]$ ораликдаги махражи 3 га тенг бўлган барча қисқармайдиغان касрларнинг йиғиндиси топинг.
 A) $7\frac{1}{3}$ B) 8 C) $8\frac{1}{3}$ D) 9 E) $8\frac{2}{3}$
26. $(x + 3)^2 - 2|x + 3| - 3 = 0$ тенглама илдиэларининг йиғиндиси нечага тенг?
 A) -6 B) -5 C) -4 D) 4 E) 6
27. Ушбу 1234567891011...4950 соннинг рақамлари йиғиндиси топинг.
 A) 320 B) 310 C) 335 D) 315 E) 330
28. Қуйидаги сонлардан қайси бири 1 дан катта?
 $a = 0,7^{2,3} \cdot 0,3^{0,8}$; $b = 3,2^{-4,2} \cdot 1,2^{-0,8}$;
 $c = 0,6^{0,4} \cdot 0,3^{0,6}$; $d = 0,7^{-1,2} \cdot 0,6^{-0,4}$;
 $e = 0,4^0 \cdot 3,5^{-1,9}$;
 A) c B) e C) a D) d E) b
29. Тенг ёнили учбурчакнинг ён томони 1,5 га, учидаги бурчаги 120° га тенг. Шу учбурчакка ташқи чизилган айланнинг радиусини топинг.
 A) 3 B) 1 C) 1,5 D) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ E) $2\sqrt{3}$
30. Томони 6 см бўлган ромбга ички чизилган айлананинг радиуси $\frac{3}{4}$ см. Ромбнинг ўткир бурчаги синусини топинг.
 A) $\frac{1}{3}$ B) $\frac{2}{7}$ C) $\frac{1}{4}$ D) $\frac{1}{5}$ E) $\frac{1}{2}$
31. Агар $\operatorname{tg} \alpha = 2$ бўлса,
 $\frac{2 - 5 \cos 2\alpha}{6 + 10 \sin 2\alpha} - \frac{13 + 3 \operatorname{tg} 2\alpha}{10 \cos 2\alpha - 15 \sin 2\alpha}$ нинг қийматини ҳисобланг.
 A) $\frac{6}{7}$ B) $\frac{8}{9}$ C) $\frac{3}{4}$ D) $\frac{7}{8}$ E) $\frac{4}{5}$

32. $4\sin^2 x(1 + \cos 2x) = 1 - \cos 2x$ тенгламани ечинг.

A) $\pm \frac{\pi}{3} + \pi n, n \in Z$

B) $\pi n; \pm \frac{2}{3}\pi + 2\pi n, n \in Z$ C) $\pi n, n \in Z$

D) $\pi n; \pm \frac{\pi}{3} + 2\pi n, n \in Z$

E) $\pi n; \pm \frac{\pi}{3} + \pi n, n \in Z$

33. $(2y - 3z)^3 + (3z - x)^3 - (2y - x)^3$ кўпхадни кўпайтувчиларга ажратинг.

A) $-6(2y - x)(2y - 3z)(3z - x)$

B) Тўғри жавоб келтирилмаган.

C) Кўпайтувчиларга ажралмайди.

D) $3(2y - 3z)(3z - x)(2y - x)$

E) $-3(2y - x)(2y - 3z)(3z - x)$

34. $\left| \frac{1}{2 - \frac{x}{2}} \right| > \frac{2}{7}$ тенгсизликнинг барча бутун

сонлардаги ечимлари йириндисини топинг.

A) 53 B) 33 C) 48 D) 47 E) 52

35. $|\log_3 x| - \log_3 x - 3 < 0$ тенгсизликни ечинг.

A) $(1; \infty)$ B) $(\frac{1}{3\sqrt{3}}; \infty)$ C) $(0; 1)$

D) $(\frac{1}{3\sqrt{3}}; \infty)$ E) $[1; \infty)$

36. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катети 7 га, унинг гипотенузага проекцияси 1,96 га тенг. Иккинчи катетнинг узунлигини топинг.

A) 24 B) 26 C) 12 D) 15 E) 16

МАТЕМАТИКА

1. Агар $f(x) = (2x - \frac{1}{3})(4x + \frac{1}{4})$ бўлса, $f(\frac{1}{2})$ ни топинг.

- A) 4,5 B) -1 C) -4,5 D) 1,5 E) $\frac{7}{12}$

2. $(1 - 2a)^2 - (1 + 2a)(2a - 1)$ ни соддалаштиринг.

- A) $-2a + 2$ B) $8a^2$ C) $8a^2 - 4a$
D) $4a^2 - 2a$ E) $-4a + 2$

3. m нинг қандай қийматида $\frac{6x - m}{2} = \frac{7mx + 1}{3}$ тенгламанинг илдизи нолга тенг бўлади?

- A) $-\frac{3}{2}$ B) $-\frac{1}{3}$ C) $-\frac{2}{3}$ D) $\frac{1}{2}$ E) $\frac{4}{5}$

4. Ҳосилалар учун формулаларнинг қайсилари тўғри?

1) $(\log_a x)' = \frac{1}{x \ln a}$;

2) $(\cos x)' = \sin x$;

3) $(\operatorname{ctg} x)' = -\frac{1}{\sin^2 x}$;

4) $(e^{kx+b})' = ke^{kx+b}$;

5) $(\ln x)' = \frac{1}{x^2}$, $x > 0$.

- A) 1; 2; 3 B) 1; 4; 5 C) 1; 3; 5
D) 1; 3; 4 E) 2; 3; 5

5. Бошланғич функцияни топиш учун қуйида келтирилган формулалардан қайсилари тўғри?

1) $f(x) = x^p$, $p \neq -1$ $F(x) = \frac{x^{p+1}}{p+1} + C$

2) $f(x) = \frac{1}{x}$, $x > 0$ $F(x) = \ln x + C$

3) $f(x) = e^{kx+b}$, $k \neq 0$ $F(x) = ke^{kx+b} + C$

4) $f(x) = \cos(kx + b)$, $k \neq 0$ $F(x) = k \sin(kx + b) + C$

5) $f(x) = e^{\frac{x}{3}} + \sin 3x$ $F(x) = 2e^{\frac{x}{3}} - \frac{1}{3} \cos 3x + C$

- A) 2; 3; 5 B) 1; 2; 4 C) 1; 2; 5
D) 1; 3; 5 E) 1; 2; 3

6. Тўғри бурчакли учбурчакнинг ўткир бурчаги 60° га, гипотенузасига туширилган баландлиги 21 га тенг. Берилган учбурчакнинг кичик катетини топинг.

- A) $\frac{21\sqrt{3}}{2}$ B) $14\sqrt{3}$ C) 10,5 D) 42
E) $21\sqrt{3}$

7. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?

1) томонлари a , b ва c бўлган учбурчакка ички чизилган айлананинг радиуси $r = \frac{2S}{a+b+c}$

формула билан ҳисобланади;

2) радиуси R га, марказий бурчаги α га тенг

доиравий секторнинг юзи $S = \frac{\pi R^2}{180} \alpha$ формула

билан ҳисобланади;

3) томонлари a ва b га, улар орасидаги

бурчакларидан бири α га тенг бўлган

параллелограммнинг юзи $S = ab \sin \alpha$ формула билан ҳисобланади;

4) диагоналлари d_1 ва d_2 га, улар орасидаги бурчаги α га тенг ихтиёрий қавариқ

тўртбурчакнинг юзи $S = \frac{1}{2} d_1 d_2 \sin \alpha$ формула

билан ҳисобланади;

5) ўхшаш фигуралар юзларининг нисбати

уларнинг мос чизиқли ўлчовларининг нисбатига тенг.

A) 2; 3; 4 B) 3; 4; 5 C) 1; 3; 5

D) 1; 2; 4 E) 1; 3; 4

8. Текисликка оғма ва перпендикуляр

туширилган. Оғма ва текислик орасидаги

бурчак $\arccos 0,28$ га, оғманинг текисликдаги

проекцияси 7 га тенг. Перпендикулярнинг

узунлигини топинг.

- A) $\frac{168}{25}$ B) $\frac{49}{24}$ C) $\frac{49}{25}$ D) 24 E) 12

9. Оуз текислигига нисбатан (1;2;3) нуқтага симметрик бўлган нуқтани топинг.

A) (1; 2; -3) B) (-1; -2; -3) C) (-1; 2; 3)

D) (1; -2; 3) E) (-1; -2; 3)

10. Тўртбурчакли мунтазам пирамида асосининг томони 2 марта катталаштирилди,

баландлиги эса 2 марта кичиклаштирилди.

Ҳосил бўлган пирамида ҳажмининг дастлабки пирамида ҳажмига нисбатини топинг.

A) 4 : 1 B) 1 : 2 C) 1 : 1 D) 1 : 4

E) 2 : 1

11. Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
 1) пирамиданинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасининг учдан бирига тенг;
 2) иккита ўхшаш жисм ҳажмларининг нисбати уларнинг мос чизикли ўлчовлари кубларининг нисбатига тенг;
 3) цилиндрнинг ҳажми асосининг юзи билан баландлиги кўпайтмасининг учдан бирига тенг;
 4) шарнинг ҳажми $\frac{4}{3}\pi R^3$ га тенг;
 5) шар сегментининг ҳажми $\frac{2}{3}\pi R^2 H$ га тенг (H – шар сегментининг баландлиги, R – шарнинг радиуси).
 А) 1; 2; 3 В) 2; 3; 4 С) 1; 2; 4
 Д) 1; 4; 5 Е) 2; 4; 5

12. $\operatorname{tg}(\frac{\pi}{4} - \alpha) = \frac{1}{3}$ бўлса, $\operatorname{tg} \alpha$ нинг қийматини топинг.
 А) $\frac{1}{3}$ В) $\frac{1}{2}$ С) 3 Д) $-\frac{1}{3}$ Е) -3

13. Қуйидаги формулалардан қайсилари тўғри?
 1) $\sin(x - y) = \sin x \cdot \cos y - \cos x \cdot \sin y$;
 2) $\operatorname{tg}(x - y) = \frac{\operatorname{tg} x + \operatorname{tg} y}{1 - \operatorname{tg} x \cdot \operatorname{tg} y}$,
 $x, y, x - y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$;
 3) $\sin^2 \frac{x}{2} = \frac{1 + \cos x}{2}$;
 4) $\sin x + \sin y = 2 \sin \frac{x+y}{2} \cos \frac{x-y}{2}$;
 5) $\operatorname{tg} x + \operatorname{tg} y = \frac{\sin(x+y)}{\cos x \cdot \cos y}$,
 $x, y \neq \frac{\pi}{2} + \pi n, n \in \mathbb{Z}$.
 А) 2; 4; 5 В) 1; 2; 5 С) 1; 3; 4 Д) 1; 3; 5
 Е) 1; 4; 5

14. $1 * 470$ ёзувдаги юлдузчани шундай рақам билан алмаштирингки, ҳосил бўлган сон 45 га қолдиқсиз бўлисин.
 А) 0 В) 8 С) 4 Д) 6 Е) 5

15. 1 т меванинг таркибида 82% сув бор. Маълум вақтдан кейин бу мевадаги сувнинг миқдори $76\frac{12}{13}\%$ бўлди. Энди бу меванинг оғирлиги неча кг чиқади?
 А) 700 В) 600 С) 810 Д) 780 Е) 820

16. $\frac{7,4 + \frac{13}{17} \cdot 0,15 \cdot 1 \frac{4}{13} \cdot 6 \frac{2}{3}}{0,2 \cdot 4,3 - 0,16}$ ни ҳисобланг.
 А) 12 В) 11 С) 10 Д) 6 Е) 8

17. $\frac{a+b}{a-2a^{0,5}b^{0,5}+b} : \left(\frac{a^{0,5}+b^{0,5}}{a^{0,5}-b^{0,5}} - \frac{2a^{0,5}b^{0,5}}{a-b} \right)$ ни соддалаштиринг.

А) $\frac{2\sqrt{ab}}{\sqrt{a}+\sqrt{b}}$ В) $\frac{\sqrt{a}-\sqrt{b}}{\sqrt{a}+\sqrt{b}}$ С) $\sqrt{a}+\sqrt{b}$

Д) 1 Е) $\frac{\sqrt{a}+\sqrt{b}}{\sqrt{a}-\sqrt{b}}$

18. $(\frac{3}{5})^{-2} + 12 \cdot 3^{-3} + (\frac{9}{10})^{-1}$ ни ҳисобланг.

А) $4\frac{1}{3}$ В) 0 С) 2 Д) $3\frac{2}{9}$ Е) $2\frac{2}{9}$

19. t нинг қандай қийматида $-t^2 + 16t - 31$ учқал энг катта қийматга эришади?
 А) 8 В) 9 С) 6 Д) 7 Е) 5

20. Агар $x^2 + y^2 = 281$ ва $x - y = \sqrt{201}$ бўлса, xy қанчага тенг бўлади?
 А) -80 В) -160 С) 80 Д) 40 Е) 160

21. Махражи 2 га тенг бўлган геометрик прогрессиянинг дастлабки бешта ҳади йиғиндиси 93 га тенг. Прогрессиянинг биринчи ҳадини топинг.
 А) 4 В) 3 С) 6 Д) 2 Е) 5

22. Диагоналлари 10 ва 24 га тенг бўлган трапециянинг юзи энг кўпи билан нечага тенг бўлиши мумкин?
 А) $60\sqrt{3}$ В) 60 С) 30 Д) $60\sqrt{2}$ Е) 120

23. Агар $\vec{a}(-1; 2; 8)$ ва $\vec{b}(3; -2; 15)$ бўлса, $\vec{m} = \vec{b} - \vec{a}$ векторнинг узунлигини топинг.
 А) 6 В) 9 С) 8 Д) 12 Е) $9\sqrt{2}$

24. Диаметри $35\sqrt{2}$ га тенг иккита водопровод қувурини, сув ўтказиш қобилияти шу икки қувурникига тенг бўлган битта қувур билан алмаштириш керак. Катта қувурнинг диаметрини топинг.
 А) $50\sqrt{3}$ В) 75 С) $50\sqrt{2}$ Д) 70 Е) 100

25. $\frac{2,21 \cdot 5,95 + 1,51}{6,42 \cdot 5,95 - 8,88}$ ни ҳисобланг.
 А) $1\frac{1}{2}$ В) $\frac{62}{41}$ С) 1 Д) $-\frac{62}{41}$ Е) $\frac{1}{2}$

26. $|x^2 - 3x| = 3x - x^2$ тенгламанинг нечта бутун илдизи бор?
 А) 3 В) 4 С) 1
 Д) бирорта ҳам илдизи йўқ Е) 2

27. Натурал сонлар қатори ҳар бири натурал соннинг квадрати билан тугайдиган қуйидагича қисмларга ажратилган: $\{1\}$, $\{2,3,4\}$, $\{5,6,7,8,9\}$, $\{10,11,12,13,14,15,16\}$, ... 10 - қисмдаги сонлар йиғиндисини топинг.
 А) 1626 В) 1913 С) 1758 Д) 1729
 Е) 1800

28. $a = \log_{1/6} 4$, $b = \log_{1/5} 6$ ва $c = \log_{1/5} 4$ бўлса, a , b ва c сонлар учун қуйидаги муносабатларнинг қайси бири ўринли?
 А) $a < c < b$ В) $b < a < c$ С) $b < c < a$
 D) $a < b < c$ E) $c < a < b$
29. Тенг ёнли учбурчакка ички чизилган айлананинг маркази унинг асосига туширилган баландлигини, учидан бошлаб ҳисоблаганда, $\frac{10}{3}$ ва 2 га тенг кесмаларга ажратади. Учбурчакнинг асосини топинг.
 А) 10 В) 12 С) 8 D) 14 E) 9
30. Томони 4 см бўлган ромбга ички чизилган айлананинг радиуси $\frac{\sqrt{3}}{2}$ см. Ромбнинг ўткир бурчаги синусини топинг.
 А) $\frac{2}{3}$ В) $\frac{\sqrt{3}}{4}$ С) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ D) $\frac{1}{2}$ E) $\frac{\sqrt{2}}{2}$
31. $\sin(2\arctg 0,75)$ ни ҳисобланг.
 А) $\frac{22}{25}$ В) $\frac{9}{25}$ С) $\frac{12}{15}$ D) $\frac{11}{15}$ E) $\frac{24}{25}$
32. $\frac{\sin^2 x + \sin x}{\cos x} = 0$ тенглама $[0; 4\pi]$ ораликда нечта илдизга эга?
 А) 7 В) 6 С) 5 D) 2 E) 4
33. $(3x - 2y)^3 + (2y - z)^3 - (3x - z)^3$ кўпжадани кўпайтувчиларга ажратинг.
 А) $-6(3x - z)(3x - 2y)(2y - z)$
 В) Тўғри жавоб келтирилмаган.
 С) Кўпайтувчиларга ажралмайди.
 D) $3(3x - 2y)(2y - z)(3x - z)$
 E) $-3(3x - z)(3x - 2y)(2y - z)$
34. Нечта туб сон $2 < \frac{x+7}{2x-19} < 4$ тенгсизлиkning ечими бўлади?
 А) 7 В) 5 С) 1 D) 3 E) 13
35. $\log_2 x \leq \frac{2}{\log_2 x - 1}$ тенгсизликини ечинг.
 А) $(0; 2)$ В) $(0; \frac{1}{2}] \cup (2; 4]$ С) $(0; 1)$
 D) $(0; 1) \cup (2; 4]$ E) $(0; 4]$
36. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катети 7 га, унинг гипотенузага проекцияси 1,96 га тенг. Иккинчи катетнинг узунлигини топинг.
 А) 24 В) 26 С) 12 D) 15 E) 16

МАТЕМАТИКА

1. Агар $f(x) = (2x + 3)\left(\frac{3}{x} - 3\right)$ бўлса, $f(-1)$ ни топинг.

- A) -6 B) 18 C) 0 D) -3 E) 6

2. Қуйидаги тенгликлардан қайси бири айният ($|p| \neq |q|$)?

1) $\frac{p^2 - q^2}{p^2 + q^2} = -\frac{p^2 - q^2}{q^2 - p^2}$

2) $\frac{p^2 - q^2}{p^2 + q^2} = -\frac{p^2 - q^2}{p^2 + q^2}$

3) $-\frac{p^2 + q^2}{p^2 - q^2} = \frac{p^2 - q^2}{q^2 - p^2}$

4) $-\frac{p^2 - q^2}{q^2 - p^2} = \frac{p^2 - q^2}{p^2 + q^2}$

- A) 3 B) Булар ичида айният йўқ. C) 1
D) 4 E) 2

3.
$$\begin{cases} 3x - 4y = 3 \\ x + 2y = 1, \quad x - ? \end{cases}$$

- A) 2 B) 1 C) -1 D) -2 E) 3

4. Ҳосилалар учун формулаларнинг қайсилари тўғри?

1) $(x^p)^y = px^{p-1}$;

2) $(\log_a x)^y = \frac{x}{\ln a}$;

3) $(\sin x)^y = -\cos x$;

4) $(\operatorname{tg} x)^y = \frac{1}{\cos^2 x}$;

5) $(e^{kx+b})^y = ke^{kx+b}$.

- A) 1; 3; 5 B) 1; 3; 4 C) 1; 2; 4
D) 1; 4; 5 E) 2; 4; 5

5. Бошланғич функцияни топиш учун қуйида келтирилган формулалардан қайсилари тўғри?

